



## ФРАНЦИЯДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚўЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ

<sup>1</sup>Зульфия Давронова

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси

<sup>2</sup>Наргиза Халиллаева

ЎзДЖТУ 2-курс талабаси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7974328>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2023

Online: 26<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Давлат гранти, стипендия,  
малакавий амалиёт, таълим  
тизими, омиллар,  
экспериментал таълим  
муассасалари.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Франция таълим тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш тенденциялари, замонавий таълим тизимининг ривожланиш хусусиятлари ўрганиб борилади.*

Франция давлати турли соҳаларда талабаларни молиявий қўллаб-қувватлайди, жумладан уларга давлат грантлари, стипендия ва турли имтиёзли таълим кредитларини ажратади.

Бундан ташқари, 2008 йилдан бошлаб, молиявий қийинчиликка дуч келган талабалар учун бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга ижтимоий стипендия ажратиш тизими жорий қилинган.

Францияда олий маълумот олиш истагини билдирган хорижий фуқароларга турли хил грантлар ва стипендия дастурлари тақдим этилади ва уларни қуйидагича таснифланиш мумкин:

- таълим стипендиялари (Bourse d'études): давлат ОТМларининг сўнгги босқич талабалари таълимнинг кейинги босқичида Олий мактаб дипломи ёки Магистр даражасини олиш учун бериладиган стипендиялар.
- малакавий амалиёт учун стипендиялар (Bourse de stage): талабанинг ўқиш даврида уч ойдан ўн икки ойгача бўлган муддатда чет элда стажировка ташкил қилиш. Шу билан бирга, Франция таълим вазирлиги томонидан бундай турдаги стипендиялар қисқа муддатли тил ўрганиш ва педагогик амалиёт ўташ учун ҳам ажратилиши мумкин.
- юқори даражадаги илмий стипендиялар (Bourse de séjour scientifique de haut niveau): Бир ойдан уч ойгача муддатда фан, маданият ва технологиялар соҳасидаги алмашинув дастурлари ва илмий-тадқиқотлар учун ажратилади.
- ижтимоий харажатларни қоплаш учун стипендиялар (Bourse de couverture sociale): Франция ҳудудида бакалавр ва магистратура дастурлари бўйича таълим харажатларининг асосий қисмини қоплаб бериш учун ажратилади.
- халқаро миқёсда илмий диссертациялар ёзиш учун стипендиялар.



Бугунги кунда Франция таълим вазирлиги иқтисодиёт, жамият, атроф-муҳит, маданият соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи таълимга сарфланадиган инвестицияларнинг узоқ муддатли ижобий таъсири ҳақида гапирмоқда. Давом этаётган ислохотлар хорижлик талабаларда француз таълим тизимига нафақат нуфузли таълим муассасалари, балки бутун олий таълим тизимидаги муассасалар орқали қизиқишларини янада ошириш.

Сўнгги 25 йил давомида Франциядаги мактаб таълим тизими марказлаштирилди, яъни, баъзи истисно ҳолатлардан ташқари, барча таълим олувчилар бир хил йўлни босиб ўтишади: мактабгача таълим муассасаси (2-6 ёш), бошланғич мактаб (6-11 ёш), коллеж (11-15 ёш) ва лицей (15-18 ёш). Бугунги кунда мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси юқорилиги тизимнинг энг катта ютуғи ҳисобланади.

Лицейда бир нечта йўналишлардан бирини танлаш мумкин бўлади: умумий таълим (адабиёт, фан ёки иқтисод ихтисослиги бўйича), техник таълим (бўлажак техник ходимлар учун) ва касб-хунар таълими (бу иш берувчиларнинг замонавий талабларига мослашишга имкон беради. Ушбу йўналишларнинг барчаси таълим олувчини бакалаврият имтиҳонига (ўрта мактаб якуний имтиҳони) тайёрлашга қаратилган.

1989 йилдан бери битирувчилар дипломлари танланган йўналишларга қараб фарқланади, яъни умумий, техник ёки касбга йўналтирилган дипломлар. Диплом туридан қатъий назар, у эгасига исталган университетга ўқишга киришга имкон беради. Натижада, аксарият ёшлар ўрта мактабни тугатиб, бакалавр даражасига эга бўлмоқдалар.

Бундай марказлаштирилган тизим одатда инқирозга дуч келган, айниқса бу ҳолат коллежларда яққол намоён бўлади. Шу ўринда иккита асосий муаммони айтиб ўтиш мумкин. Биринчиси, таълим олишни тўхтатиб қўйиш, бунини ёшларнинг катта қисми (15-20%) ўрта, баъзан эса бошланғич маълумотга эгалик тўғрисидаги дипломни олмаган ҳолда ўқишни тарк этишади. Бу нафақат касбий бандлик учун, балки умуман замонавий ҳаёт шароитларига мослашиш учун жиддий тўсиқдир.

Иккинчи муаммо шундаки, синфда билим даражаси ҳар хил бўлган ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчи учун катта муаммо туғдиради. Бу ҳолат, хусусан, мураккаб ижтимоий шароитлар – ота-оналарнинг ишсизлиги, иш топишда қийналаётган мухожирлар ва қашшоқлик мавжуд ҳудудлардаги таълим муассасаларида кўпроқ учрайди. Бу эса, ўз навбатида, мактабларда учраб турадиган зўравонликларнинг авж олишига олиб келади.

Айнан шу сабаблар таълимда 13-14 ёшида коллежни тарк этишга рухсат берадиган эски, ислохотгача бўлган даврдаги мактаб тизимини қайта тиклашга мойилликни уйғотмоқда, бу ёшларда мустақил ҳаётга қадам қўйиб, иш ўринлари топишга ёрдам беради деган тушунчанинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, тизимга таъсир қилувчи учта омилни келтиришимиз мумкин: [децентрализация](#), Европа Иттифоқининг таълим сиёсатига таъсири, ва ниҳоят глобал миқёсда - Жаҳон Савдо Ташкилотининг таълимни бозор шароитига интеграция қилиш, иложи борича уни тижоратлаштириш истаги.



Децентрализация – таълим тизимини марказсизлаштириш Францияда тахминан 20 йилдан бери кузатилмоқда. Ўша вақтгача бу тизим Наполеон империясининг маҳсули бўлиб, ҳаддан ташқари марказлаштирилган эди. Баъзи тарихчилар таъкидлаганидек, давлат бошқа функциялар қатори “тарбиячи” вазифасини ҳам бажарган. Децентрализациянинг биринчи босқичи ҳудудлар ва идораларга ўзларининг маблағларига ва солиқлардан олинган давлат субсидияларига таяниб мактаб тизимини лойиҳалаштириш ҳуқуқини беришдан иборат эди. Шундай қилиб, давлат ички ҳудудлар ўртасидаги тенгсизликни йўқ қилиш қобилятини сақлаб қола олди ҳамда ўқув дастурлари, қатъий жадваллар ва бошқаларни яратиш бўйича тўлиқ ҳуқуқни сақлаб қолди.

Амалдаги ҳукумат марказий ҳокимиятни минтақаларни молиялаштириш мажбуриятдан озод қилишни янада ривожлантирмоқчи. Бу эса давлатнинг бой ва камбағал минтақалар ўртасидаги мувозанатни тиклашдаги ролини йўққа чиқариши мумкин. Ишонч билан айта оламизки, давлат мутлақ қудратга эга бўлган даврда ҳам, географик ёки ижтимоий тенгсизликнинг ўсишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмаган эди - масалан, Қўшма Штатлардан фарқли ўлароқ, йирик шаҳарларда, камбағал қатлам шаҳар перифериясида, бой аҳоли эса марказда тўпланган.

Бошланғич таълим касаба уюшмаси ҳисоб-китобларига кўра, бошланғич мактабларда ҳар бир ўқувчига бериладиган “ўқитувчилар учун кредитлар” дастури бўйича субсидиялар, ҳудудларга қараб баъзан ўн бараваргача фарқ қилиши мумкинлиги аниқланди. (10 дан 100 еврогача). Маълумки, бундай тақсимот Қўшма Штатларга ҳам хосдир, бу ерда, масалан, бадавлат маҳаллалар (одатда “оқ танли”) талабалари ўқиш учун маблағлари кам, кам таъминланган ва қолоқ ҳудудлар талабаларига қараганда кўпроқ имкониятларга эга. Кредитлар ва мактабдаги муваффақиятлар бу билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бундай ҳодисалар хавотирланишга асосли сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари яна қуйидаги фактни ҳам қўшишимиз мумкин: французлар маҳаллий ҳокимият органлари сайловчиларнинг бевосита таъсири остида эканлигига аниқ ишонадилар ва таълимга сарфланадиган маблағлар дарҳол самара бермаслигини ва шунинг учун ҳам таълимга сарфланган харажатлар ўзини оқламайди деб ҳисоблашади.

Таъсирнинг иккинчи манбаи сифатида кўрсатилган Европа Иттифоқи миллий таълим сиёсатини белгилашда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Бу парадоксдир - ваҳоланки, қонунчилик ушбу соҳада жуда чекланган ваколатларни тан олади. Аммо сўнгги ўн йил ичида таълим бюджети ошди. Муаммо шундаки, Европа Иттифоқи таълимга биринчи навбатда меҳнат бозоридаги рақобатдош омил сифатида қарайди. Лиссабон ва Барселонада бўлиб ўтган умумевропа саммитлари ушбу хавотирларни тасдиқлади. Қабул қилинган ҳужжатларга кўра, Европа Иттифоқи "дунёдаги энг рақобатбардош ва энг динамик иқтисодий тизим" бўлишни хоҳлайди.

Бунинг учун “инсон ресурсларига сармоя киритиш ва ижтимоий камчиликларга қарши курашиш орқали ижтимоий Европа моделини модернизация қилиш”ни талаб тилади. Ахир, “инсон ресурслари Европанинг асосий кучи ҳисобланади ...” ва бошқалар. Шубҳасиз, агар таълимнинг пухта яширинган нуқтаи назари жуда фойдали бўлмаганида, ҳамма нарсани “инсон ресурсларига сармоя” муаммосига



йўналтиришнинг ҳожати йўқ бўлар эди. Тегишли ҳужжатларни диққат билан ўрганиб чиқсангиз, таълимнинг асосий аҳамияти, расмийларнинг фикрига кўра, бозор учун кадрларни шакллантиришда эканлигини кўрамиз ва бу тарғиб қилинган "гуманистик" ёндашувга зид келади.

Таъсирнинг иккита тури - децентрализация ва Европа Иттифоқининг кўрсатмалари - бир-бирини тўлдирувчи ва таълим тизимини иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган. Иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллаган кўпгина бизнес эгалари ҳар қандай шароитда корхоналар намунасидаги мактабларни ташкил қилишни истайдилар, шунда ёшлар дарҳол "компания руҳига" сингиб кетишади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти таълимни тижоратлаштиришни янада кучайтиришни исташи ва бу нафақат олий таълим, балки бошланғич ва ўрта таълим билан ҳам боғлиқлиги вазиятни янада оғирлаштиради. Бу эса асосий хавфни келтириб чиқаради, яъни давлат олдидаги мажбуриятлардан озод бўлиш учун хусусий таълим муассасаларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳукумат томонидан бериладиган ёрдамни йўққа чиқаради.

Албатта, Европа мамлакатларида сўнги пайтларда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаблашди ва бу Жаҳон савдо ташкилотида давом этаётган тортишувлар шароитида Европа Иттифоқи шу пайтгача таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларни тижоратлаштиришдан воз кечишининг асосий сабаби ҳисобланади. Аммо бу Таълим вазирлигига глобал танловда муносиб иштирок этиш учун Франция университетларига мустақил равишда таълим дастурларини яратиш ва мослаштириш таклифини беришга халақит бермайди ва бу ўз навбатида умумий манфаатларни таъминлаш ва тенг шароит яратиш мақсадидаги умумий саъй-ҳаракатларига зиддир.

Шундай қилиб, бугунги кунда сўнги 20 йил ичида жамиятда ҳукмронлик қилган неолиберал тамойиллар мактабга таҳдид солиш хавфи мавжуд. Уларнинг бутун таълим тизимига татбиқ этилишининг натижаси ҳозирги долзарб масала табақаланиш жараёнини келтириб чиқарди ва бу муаммо Европага қараганда анча юқори даражага етган баъзи бир мамлакатларда (АҚШ, Австралия ва Янги Зеландия) кенг қулоч ёйди.

Франция Таълим вазир Жан Мишел Бланке бошланғич таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини тақдим этди. У мактаб жадвалини қайта ташкил этишга ва мактаб ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратди.

Вазир томонидан таклиф қилинган ислоҳотлар 5 йил ичида бошланғич мактабни катта қийинчиликлар билан тугатган болалар сонининг уч барабар қисқаришига, синфда қолган қолган ўқувчилар сонининг тенг ярмига камайишига олиб келиши керак. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда ўқувчиларнинг 15% ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашда жиддий камчиликлар билан мактабни тугатмоқда.

Ушбу ислоҳот кун, ҳафта ва йил доирасида мактаб жадвалини қайта ташкил этишни амалга ошириши керак. Бундан буён дарслар душанбадан жумагача бўлади ва шанба кунги дарслар фарзандлари билан икки кунлик дам олишни бирга ўтказишни истаган ота-оналарнинг талабларига кўра бекор қилинади. Янги ҳафталик жадвалда барча ўқувчилар учун ҳафтада мажбурий дарсларнинг умумий сони 26 соатдан 24



соатгача қисқартирилади, йилига умумий дарслар сони 864 соатни ташкил қилади. Бу ўқув юкламаси ҳам барибир глобал миқёсда юқори сифатли таълим кўрсаткичларига эга бўлган мамлакатлардаги ўқув юкламаларидан юқори ҳисобланади.

Француз тили ва математикага йўналтирилган янги дастурлар бундан буён олдингиларига қараганда қисқароқ бўлади: ҳозирги расмий дастурнинг 36 саҳифаси олдинги ҳужжатнинг 104 саҳифаси билан таққосланмайди. Ҳатто ўқувчиларнинг саводи сушт бўлган ота-оналари ҳам тушунишлари учун дастурлар янада қулайроқ тилда ёзилади.

Дастурларда бешта кескин ўзгаришлар қайд этилган:

- содда ва аниқроқ тузилган жадвалда аввалги дастур томонидан тасдиқланганидек ихтиёрий жадвал эмас, балки ҳар бир фан бўйича қатъий ўқув жадвали мавжуд;
- интизомий дастурларни ўрганишда эътибор, айниқса, француз тили ва математикани ўқитишда сезилиши керак;
- талабаларни билим олишнинг бошқа турларига йўналтириш, яъни санъат тарихига муҳаббат ва узоқ муддатли ривожланиш зарурлигини тушунтириш;
- дунёвий ва ахлоқий тарбия ўқувчиларга ҳаётий қадриятларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва қоидаларни босқичма-босқич ўрганишларига имкон бериб, дунёвий мактабни сиқиб чиқаради;
- мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаган ҳолда мактабгача таълим дастурларига болаларни ўқиш, ҳисоблаш ва ёзишни ўрганиш машқларини қўшган ҳолда алоқаларини таъминлаш.

Франциядаги умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини ўрганиш жараёнида биз анъанавий парадигмага йўналтирилган таълим тизимида инқироз мавжуд деган хулосага келдик. Статистик маълумот шуни хулоса қилишга имкон берадики, бошланғич мактабни битирган коллеж ўқувчиларининг 20 фоизи ўқиш ва ёзишни билмайди; ҳар йили коллеж ўқувчиларининг 15 фоизи қайсидир синфда қайтадан ўқийди; ҳар йили 100 мингга яқин болалар ва ўспиринлар коллежни тарк этишади ёки Миллий сертификат дипломсиз имтиҳон топширмасдан кетишади; 91 фоизи ўзлаштира олмайдиган болалар ўқийдиган қашшоқлар, эмигрантлар ва ишсизлар кўп ҳудуддаги мактаблар устунликка эга мактаб ҳисобланади; битирувчиларнинг 63 фоизи бакалавр даражасига имтиҳон топширишади; ўрта мактабни тугатган ишсизлар сони умумий ишсизлар сонининг 25 фоизини ташкил этади.

Француз ўрта таълим тизимида қайд этилган қийинчиликлар жамоатчиликни, сиёсий институтларни, илғор ўқитувчиларни Ж.Ж. Руссо, А. Камю, Ф. Долто, Р. Кузинет, С. Фреейн, Б. Шварц, А. Моин, Ле Граин ва бошқалар изланишларида илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари атрофида фикр юритишга чорлайди.

Замонавий француз таълим тизимида ўқув жараёни ўқувчиларга йўналтирилган ва ўсиб келаётган ўқувчини мустақил шахс сифатида тан оладиган таълимга асосланган хусусий ва экспериментал таълим муассасалари пайдо бўлмоқда. Француз педагогикаси ўрганувчи мустақиллигига ўрта мактаб амалиётига эволюцион усулда киритиш тарафдори, таълимдаги эътиборни субъектентризмдан педоцентризмга ўзгартириб, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда, ўқув



жараёнида шахслараро ўзаро таъсир ва алоқани яратишда, ўқувчининг эркинлиги ва масъулиятини оширишда рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш усуллари изчил ўзгартириб борадилар.

Олий таълимга келсак, Франция Болония шартномасини имзолагани ва унга мувофиқ умумий Европа стандартлари учун ўз стандартларини бирлаштириши кераклигига қарамасдан, улар ўз тизимларини ўзгартиришга шошилмаяпти. Улар ислохотни шошилмасдан, ҳар доим педагогик жамоа, болалар ва ота-оналарнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ дастлабки таҳлил ва ҳисоб-китоб билан амалга оширмоқдалар.

Француз университетларига халқаро ва, авваламбор, Европа илғор таълим муассасаси номини бериш истаги уларнинг бошқарувдаги мустақилликни кенгайтиришига олиб келди. Университетлар жадал равишда халқаро алмашинув сиёсатини олиб бормоқдалар ва нафақат шерик университетлар, балки корхоналар ҳам ҳамкорлик қиладиган обрўли марказларга айланмоқдалар. Ушбу амалиёт, масалан, Гренобл, Тулуза, Лилл ва Ренн-Нант университетларида амалга оширилмоқда, чунки корхоналарнинг бундай юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари тобора долзарб бўлиб бормоқда.

## References:

1. Богомолова И.В. Концепции, влияющие на теорию обучения в средней школе Франции // Итоговая научная конференция АГПУ. Педагогика. – Астрахань: Изд-во АГПУ, 2004.
2. Богомолова И.В. Практический опыт учителей Франции по автономизации учебного процесса //Итоговая научная конференция АГПУ. Педагогика. Астрахань, Изд-во АГПУ, 2000.
3. Кудрявцев А., Егорова И.Ю., Ворожейкина О.Л. Международные правовые акты и документы по развитию европейской интеграции в образованиях и исследованиях. Москва, 2003.
4. Филиппов Ф. Анализ проблем образования / Франция глазами французских социологов. Москва, Наука, 1990.
5. <http://www.france.fr/etudier-en-france/les-aides-sociales-pour-les-etudiants-non-boursiers.html>
6. <http://www.education.gouv.fr/cid21007/presentation-des-nouveaux-programmes-du-primaire.html>